

«ЗАРЕГИСТРИРОВАН»

Инспекцией по государственной  
регистрации субъектов  
предпринимательства при  
хокиме Шайхантахурского  
района г.Ташкента 8 января  
2008 года за реестровым  
номером №R 000352-09

«УТВЕРЖДЕН»

Приказом Узбекского  
агентства по печати и  
информации от 7 декабря  
2007 года №135

**УСТАВ**  
(новая редакция)

Государственного унитарного предприятия  
**«ИЗДАТЕЛЬСКО-ПОЛИГРАФИЧЕСКИЙ ТВОРЧЕСКИЙ  
ДОМ «O‘QITUVCHÍ»**

Тошкент шаҳар  
Шайхонтохур тумани ҳокими  
хузуридаги  
Тадбиркорлик субъектларини  
Давлат рўйхатидан ўтказиш  
инспекцияси томонидан  
2008 йил 8 январда  
R 000352-09 -сон реестр рақами  
билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлигининг  
2007 йил 7 декабрдаги  
135-сонли буйруғи билан

---

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“O‘QITUVCHI” NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI

давлат унитар корхонасининг

УСТАВИ  
(Янги тахрир)

Корхонанинг янги таҳрирдаги Устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2007 йил 7 декабрдаги 135-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Аввалги таҳрирдаги Устав Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман ҳокими ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг 2004 йил 9 августдаги 000352-09 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ “O‘QITUVCHI” нашриёт-матбаа ижодий уйи давлат корхонасининг (кейинчалик матнда “Корхона” деб юритилади) ҳуқуқий мақомини, унинг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти хусусиятларини, муассиснинг, ижро этувчи органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, Корхона ва муассис ўртасидаги мулкий муносабатларни белгилайди.

1.2. Корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 274-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2004 йил 16 июндаги 50-сонли буйруғига кўра “O‘qituvchi” нашриёти, Тошкент китоб-журнал фабрикаси негизида ташкил этилган.

1.3. Корхонанинг муассиси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (кейинги ўринларда “муассис” деб юритилади) ҳисобланади.

1.4. Корхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражага ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 215-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги буйруғи ва фармойишлари, мазкур Устав ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

1.5. Корхона давлат мулкидаги, ўзига тезкор бошқариш ҳуқуқи асосида берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига биркитилган мулкдан қонунда белгиланган даражада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг (ваколатли давлат органи – муассиснинг) топшириқларига ҳамда эгаллик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади.

1.6. Корхонанинг тўлиқ номланиши:

ўзбек тилида “O‘QITUVCHI” nashriyot-matbaa ijodiy uyi давлат унитар давлат корхонаси:

рус тилида – государственное унитарное предприятие «Издательско-полиграфический творческий дом “O‘QITUVCHI”».

1.7. Корхонанинг қисқа номланиши:

ўзбек тилида – “O‘QITUVCHI” НМИУ;

рус тилида – ИПТД “O‘QITUVCHI”.

1.8. Корхона алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

1.9. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.10. Корхона муассис розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қуйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

1.11. Корхона давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

1.12. Корхонанинг манзили: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

1.13. Корхонанинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган.

## II. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТ ТУРИ

2.1 Корхона фаолиятининг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодга мўлжалланган юқори сифатли рақобатбардош адабиётлар, бошқа босма маҳсулотларини яратиш ва чоп этиш, аҳолининг босма маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўлароқ қондириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш орқали фойда олиш ҳисобланади.

2.2. Корхона бу мақсадларда қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

а) Ноширлик фаолияти:

– мактаб таълимини ривожлантириш, мактабларга замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, дарсликлар ва ўқув-услугий қўлланмалар етказиб бериш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштиришга оид адабиётларга бўлган эҳтиёжни қондириш, олий ва ўрта махсус таълим тизими, академик лицейлар ва касб-ҳунар таълими, умумий ўрта таълим мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этиш. Узлуксиз таълим тизимининг аниқ ва табиий фанлари бўйича дарслик на ўқув-услугий қўлланмалар, ўқув-педагогик ва ёрдамчи адабиётлар, болалар боғчаларининг тарбиячилари, ота-опалар, кенг китобхонларга мўлжалланган қизиқарли китоблар нашр этишга устувор аҳамият бериш;

– китобхонлар қизиқишини, китоб бозори талаб на эҳтиёжини ўрганган ҳолда, турли адабиётларни нашр этишни ташкил этиш;

б) Матбаа фаолияти:

– барча турдаги босма маҳсулотларини тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва сотиш;

– ноширлик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, нашр этиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг босма маҳсулотларини чоп этиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича буюртмаларни бажариш;

– китоб маҳсулотлари, бадиий безакли матбаа маҳсулотлари, чипталар, қатъий ҳисобдаги қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар, бланк маҳсулотлари, плакатлар, тақвимлар ишлаб чиқариш, муҳрлар ва бурчакли тамғалар тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

– фуқароларга босма маҳсулотларини замонавий безаш услуги, стандартлар, илғор технология асосида чоп этиш хизматини кўрсатиш;

в) Қўшимча фаолият турлари:

– корхона ва ташкилотларни матбаа материаллари, хом-ашё, ускуна ва эҳтиёт қисмлар, қоғоз, картон, шунингдек бошқа турдаги саноат маҳсулотлари билан таъминлаш;

– халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш;

– воситачилак, савдо- воситачилик ва савдо-сотик фаолияти, улгуржи, чакана ва комисион савдо билан шуғулланиш, китоб дўконлари очиш;

– аҳолига пулли хизмат кўрсатиш (таклифномалар, этикеткалар ва ҳк.);

– босма маҳсулотлар ярмаркаларини, кўрғазмаларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– аҳоли, корхона ва ташкилотларга турли хизматлар кўрсатиш;

– компьютер ва босма ишлар бажариб бериш, қўлёзмаларни адабий ва техникавий таҳрир қилиш, таржималар қилиб бериш, турли безаш ва дизайн ишларини бажариш, оригинал макет тайёрлаш, реклама хизмати кўрсатиш;

– йўловчи ва юк ташиш транспорти ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш турлари ва тармоқларини ташкил этиш;

– қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва улар билан савдо-сотик қилишни ташкил этиш;

– миллий ва хорижий валюта эвазига хизматнинг барча турларини амалга оширган ҳолда ошхоналар, чакана ва улгуржи савдо дўконлари очиш, бозорлар ташкил этиш;

– доривор ўсимлик ва гиёҳларни етиштириш ҳамда улардан шифобахш ичимликлар тайёрлаш, таббий дори-дармонлар билан савдо қилишни ва тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

– иккиламчи ресурслар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш, саноат чиқиндиларини оборотга киритиш, қадоқлаш ва ўраш материалларини тайёрлаш ва сотишни ташкил этиш;

– ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

– хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу жумладан матбаа саноатини технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

– консалтинг, маркетинг факторинг, инжиниринг;

– аҳолига таъмирлаш, қурилиш, маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқариш, автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.

2.3. Корхона Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

### III. МУАССИСНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга;

Корхона фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;

Корхона устави ва ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Корхона уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

Корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Корхона мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Корхонанинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига Корхонани хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклиф киритиш;

Корхонага етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Корхона раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиш;

босма маҳсулотларининг қонун талаблари ва давлат стандартларига мослигини назорат қилиш;

Корхонанинг қонуний манфаатларини давлат муассасалари ва хорижий давлатлар олдида ҳимоялаш ва ривожланишига кўмаклашиш;

Корхона уставига мувофиқ Корхонага ўзи берган мулкдан фойдаланишдан тушган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш.

3.2. Муассис қуйидагиларга мажбур:

Корхона Директори ва унинг ўринбосарлари, бош муҳаррир, бош ҳисобчи, режа бўлими бошлиғини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ улар билан меҳнат шартномаси тузиш;

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида корхонанинг устав фондини унга давлат мулкни тезкорлик билан бошқариш учун бериш йўли билан шакллантириш;

ҳар йили Корхонанинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда ижро этувчи органнинг унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитиш;

Корхонанинг ижро этувчи органига мулкни тасарруф этиш учун рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли рашида Давлат мулки кўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишиш;

Корхонага берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

#### IV. КОРХОНАНИНГ МУЛКИ

4.1. Корхона унинг таркибига кирган нашриёт ва матбаа корхона мулклари (давлат мулки) негизида ташкил этилган ва улар тасарруфидаги барча мол-мулклар, молиявий маблағлар, қимматли қоғозлар, моддий ресурслар, шунингдек нашриёт ва матбаа корхонасини қайта ташкил қилинишига қадар бўлган имтиёзлар, даромадлар ва қарзларига тўла ҳуқуқий ворис ҳисобланиб, ушбу давлат мулклари тезкор бошқариш ҳуқуқи билан

Корхонага бириктирилади.

4.2. Корхонанинг устав фонди 705 491 370 сўмни ташкил этади.

4.3. Корхонанинг мулки:

муассис томонидан Корхонага тезкор бошқариш ҳуқуқи билан биркитилган мулк;

Корхонанинг ўз фаолиятдан олинган даромадлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

4.4. Корхона мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва кўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, Корхона ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

4.5. Корхона мулкини тасарруф этиш қўйидаги ҳолларда Корхонанинг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш; уларни ижарага ёки гаровга топшириш; мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида кўшиш; хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш; хўжалик жамиятларидаги Корхонага тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкни Корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

4.6. Корхона ихтиёрига қоладиган тақсимланмаган фойда ҳисобидан келгуси зарарларни қоплаш учун муассис билан келишган ҳолда Корхона устав фондининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заҳира фондини ташкил этиш мумкин.

4.7. Корхонанинг заҳира фондига маблағлар соф фойданинг 5 фоизи миқдорида ҳар йили Уставда қайд этилган миқдорга етгунга қадар ўтказиб борилади.

4.8. Корхона устав фонди миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш муассис қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### V. КОРХОНАНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

5.1. Корхона муассис билан келишилганидан сўнг, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

5.2. Корхона уставига киритилган ўзгаргириш ва қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда бу тўғрида тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини ёки унинг ҳудудий бошқармасини хабардор қилиши шарт.

Корхонанинг ижро этувчи органига “Давлат корхонаси тўғрисида”ги Низомнинг 17-бандига мувофиқ мулкни тасарруф этиш учун рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишади;

корхонага берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини: назорат қилади.

5.3. Корхонанинг филиаллари ва ваколатхоналари Корхона томонидан тасдиқланган Низомлар асосида фаолият кўрсатади ва Корхона томонидан берилган мулкга эга бўлади.

5.4. Корхона филиали ёки ваколатхонаси раҳбари Корхонанинг раҳбари томонидан муассис билан келишган ҳолда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда ишончнома Корхона раҳбари томонидан бекор қилиниши керак.

## VI. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

6.1. Корхона фаолиятига умумий раҳбарликни директор олиб боради.

6.2. Директор ва унинг ўринбосарлари, бош муҳаррир, бош ҳисобчи, режа бўлими бошлиғи ўз вазифаларига муассис томонидан тайинланади.

6.3. Корхона директори. Корхонанинг яқка ижро этувчи органи ҳисобланади ва корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, корхона номидан битишувларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

Корхона ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорлари директор томонидан муассис билан келишган ҳолда тасдиқланади.

6.4. Корхона директори муассис олдига белгиланган тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

6.5. Корхонанинг раҳбари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Корхона манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин корхонада қоладиган соф фойда корхона ихтиёрида қолади ҳамда ундан муассис қарорига кўра фойдаланилади.



Корхона ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига корхона уставда назарда тутилган тартибда ва муассис томонидан тасдиқланадиган микдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этади.

Корхона келишув бўйича, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очишни режалаштиради.

Филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир ҳафта муддатда корхона бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини (унинг ҳудудий бошқармасини) хабардор қилади.

Ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда, Корхонасига етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

6.6. Корхонанинг молия – хўжалик фаолиятини назорат қилиш мақсадида Тафтиш комиссия – ички назорат органи тузилиши мумкин.

6.7. Корхона тафтиш комиссияси аъзолари 5 кишидан иборат бўлиб, Корхона меҳнат жамоаси ва муассис иштирокида ўтказиладиган умумий йиғилишда меҳнат жамоаси орасидан сайланади.

6.8. Тафтиш комиссияси аъзолигига. Корхона бошқаруви ходимлари ва моддий жавобгар шахслар сайланишга ҳақли эмас.

6.9. Корхона директори тафтиш комиссияси ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиши лозим.

6.10. Тафтиш комиссияси муассис ва меҳнат жамоасига тафтиш натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

## VII. КОРХОНАНИНГ ФОЙДАСИ

7.1. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Корхонада қоладиган соф фойда Корхона ихтиёрида қолади ҳамда ундан муассис қарорига кўра фойдаланилади.

7.2. Корхона ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига ушбу Уставда назарда тутилган тартибда ва муассис томонидан тасдиқланадиган микдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

## VIII. КОРХОНАНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Корхона мулки етарли бўлмаганда Корхона мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

8.2. Корхона муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

8.3. Корхона ўзи ташкил этган филиаллар ва ваколатхоналар мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

## IX. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

9.1. Корхона ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботи ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

9.2. Корхона фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## Х. КОРХОНАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

10.1. Корхона муассис қарорига кўра, тегишли равишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

10.2. Корхона тугатилганда унинг мавжуд пул маблағлари, мол-мулки ва бошқа активлари барча кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг ўрнатилган тартибда муассис ихтиёрига ўтказилади.

Корхона директори